

Ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган дамламани экспериментал яллиғланишга қарши таъсири

Ф.М Вакилова, Х.У Алиев, Ш Комилов
Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент ш, Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: таркибида ўткир ҳидли қалампир мунчоқ, пижма гули ва аччиқ эрмон ўтидан 1:10 нисбатдан тайёрланган дамламанинг яллиғланишга қарши таъсирини ўрганиш.

Усуллар: тажриба учун лаборатория каламушларидан 18 та турли жинсли вазни 148 – 165г. вазнлилари танлаб олинди ва 3 улар гуруҳга ажратиб олинди. 1-чи гуруҳ назорат, қолган гуруҳлар эса тажриба гуруҳи деб белгиланди. Тажриба бошлангунча каламушларнинг орқа панжалари онкометрик усулда ўлчаб олинди. Сўнг каламушларнинг орқа панжаларига 2% ли формалин эритмаси тери остига 0,15 мл дан юбориш йўли билан экспериментал яллиғланиш ҳолати юзага чиқарилди. Каламушларни орқа панжалари яна бир маротаба ўлчаб олинди. Тажрибадаги 2-чи гуруҳ ҳайвонларга йиғманинг 5 мл/кг дозада оғиз орқали дамламаси юборилди. 3-чи гуруҳга эса унинг 10 мл/кг ҳисобида берилди. Назоратдаги 1-чи гуруҳ ҳайвонларига эса мос равишда дисстилланган сув юборилди. Ҳайвонларнинг орқа панжалари 4 соат давомида ҳар 1 соатда ва 1 суткадан сўнг ўлчанди.

Натижалар: ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган дамба тажрибанинг 4-чи соатида каламушларнинг орқа панжасидаги яллиғланиш жараёнини назорат гуруҳига нисбатан 5 мл/кг дозада 20% га ва 10 мл/кг дозада 32% га бартараф этди. Тажрибани 24 – чи соатида эса ҳайвонлардаги яллиғланиш даражаси 5 мл/кг дозада назорат гуруҳига нисбатан 36% га 10 мл/кг дозада эса 40,7% га камайди.

Хулосалар: ўсимликлар йиғмасидан тайёрлаган дамламанинг кам заҳарлилиги ва яллиғланишга қарши таъсирга эгалиги аниқланди. Бу ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган дамламани тиббиётда яллиғланишга қарши дори воситалар қаторида қўлланса бўлади. Ўсимликлар йиғмасидан тайёрланган дамба кам заҳарли, ножўя таъсирлардан холи эканлиги аниқлайди. Шуниндек, унинг яллиғланишга қарши таъсири ҳам сезиларли даражада намаён бўлди.